

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 149 (10.454)

2005 ЙИЛ 2 АВГУСТ

Пойтахтнинг бир кўни
Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА
сатрлар

● **КАНЦЕЛЯРИЯ** махсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Оффис маркет» компаниясига иш самарадорлигини янада яхшилаш мақсадида Германиядан замонавий технологиялар келтирилди.

● **ТОШКЕНТ** шаҳар прокуратурасида шаҳримизнинг фаол аёллари иштирокида ўтказилган тадбир аёлларнинг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш масалаларига бағишланди.

● **ХАЛКАРО** бизнес марказида иқтисодчилар, тадбиркорлар иштирокида бозор иқтисодиёти шароитида реклама ва ундан фойдаланиш масалаларига бағишланган тадбир ўтказилди.

● **БУГУН** «Гулистон» маҳалласида «Маънавият ва маърифат» марказининг Сергели туман бўлими ташаббуси билан балоғат ёшидаги қизлар ва шифокорлар иштирокида уюштирилган давра суҳбати «Киз бола — юрт кўзгуси» деб номланди.

● **БУГУН** Бўстонлик туманидаги «Зангори олов» оромгоҳида «Камолот»ни биласизми?» мавзусида ўтказилган давра суҳбати «Камолот» ЁИХ Яққасарой туман Кенгаши томонидан уюштирилди.

● **КЕЧА** «Камолот» ЁИХ Миробод туман Кенгаши қошида ташкил этилган ўқув марказида бир ойдан бери ўтказиб келинаётган «Компьютер сабақлари» ўқув курси тингловчиларига сертификатлар топширилди.

● **СОБИР** Раҳимов туман ҳокимлигида Республика хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан фаоллар иштирокида уюштирилган тадбир Сихат-саломатлик йилга бағишланди.

● **КЕЧА** «Ўрикзор» маҳалласида «Камолот» ЁИХ Яққасарой туман Кенгаши ҳамда Тошкент Давлат педагогика университети ҳамкорликларида ёшлар иштирокида беморга тез тиббий бйринчи ёрдам кўрсатиш амалиёти ўтказилди.

● **«ТОШКЕНТ** кишлоқ ҳўжалик махсулотлари ултуржи бозори» очик ақциядорлик жамиятида «Маънавият ва маърифат» марказининг Бектемир туман бўлими томонидан ташкил этилган давра суҳбати «Огоҳлик — давра талаби» деб номланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЎЛИМ ЖАЗОСИНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим вазифаси жиноят, жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари, жиноий жазо тизимини изчиллик билан босқичма-босқич либераллаштириш ҳисобланади.

Сўнгги йилларда қабул қилинган «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, судлар тўғрисидаги, прокуратура тўғрисидаги қонунларга, бошқа бир қанча қонун ҳужжатларига мувофиқ жиноятларнинг таснифланиши ўзгаририлди, ўта оғир жиноятлар жумласига киритилган жиноятлар рўйхати камайtirилди, содир этилган жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турлари, ярашув институти жорий этилди. Жиноий жазолар тизимини либераллаштиришга қаратилган бошқа бир қанча дастурий чора-тадбирлар қабул қилинди.

Жиноятга оид сиёсатда, ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги туб ўзгаришлар мамлакатда ижтимоий-сиёсий, криминал вазиятга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ўлим жазосини қўллаш соҳасининг босқичма-босқич камайиб бораётганлиги Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ тизимини, жиноий жазоларни либераллаштириш борасида амалга оширилаётган жараёнларнинг муҳим йўналиши бўлди. Мамлакат мустақилликка эришган пайтда жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ўлим жазосини назарда тутувчи 30 дан ортиқ моддалардан иборат эди. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йилги Жиноят кодексида бундай моддалар сони 13, 1998 йилда - 8, 2001 йилда эса 4 тагача камайtirилди. Ҳозирги вақтда, 2003 йилда жиноят қонунчилигини либераллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилгандан сўнг, фақат икки турдаги жиноят - жавобгарлигини оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдирган ва терроризм жиноятларини содир этганлик учун ўлим жазоси назарда тутилди.

Жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ўлим жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятлар сони жиноий жазога тортиладиган қилимлар умумий сонининг бир фоизидан камроғини ташкил этади. Содири этилган жиноятнинг оғирлигидан қатъи назар қонун ҳужжатларида вояга етмаганларга, хотин-қизларга ва 60 ёшдан ошган шахсларга нисбатан ушбу турдаги жазони қўллаш таъқиқланган.

Давлатимизнинг жиноятга оид сиёсати ўлим жазосини қўллашга нисбатан жаҳон тенденцияларига тўла мос келади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида эълон қилинган инсонпарварлик ва одиллик тамойилларини изчил ифода этади. Айни вақтда, мамлакатда амалга оширилаётган жамият ва давлат ҳаётини демократик жиҳатдан янада янгиллаш, мамлакатни модернизация қилиш борасидаги ислохотларнинг моҳияти ва мазму-

ни, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш бўйича олиб борилаётган ишларнинг натижалари жазо тури сифатида ўлим жазоси бекоР қилинишини ҳамда уни умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси билан алмаштирилиши зарурлигини таъкидламоқда.

Шу билан бирга, ушбу муҳим соҳадаги ислохотлар, ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши ва инсонпарварлик руҳида олиб борилишини ҳамда инсонлар онгига демократик қадриятлар тобора мустақамлаштирилиши инобатга олган ҳолда изчиллик билан амалга ошириб борилиши лозим.

Ўлим жазосининг бекоР қилиниши аҳоли орасида кенг тушунириш ишлари олиб боришни, биринчи навбатда, мамлакатимизнинг ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидаги изчил ҳаракатларини асослаб беришни, жиноий жазони янада либераллаштириш, шу жумладан ўлим жазосини бекоР қилиш заруратининг аниқл этилишини кишилар онгига мустақамлашни таъкидламоқда.

Ўлим жазоси умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш билан алмаштирилган шахсларни сақлаш учун мажмуа ва иншоотлар қуриш, зарур шарт-шароитларни яратиш, ана шу муассасаларда ишлаш учун ходимларни тайёрлаш билан боғлиқ бир қатор ташкилий-тайёргарлик тадбирларини амалга ошириш лозим.

Жиноят, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия қонун ҳужжатларини пухта ишлаб чиқиш ҳамда ўзгариштириш бўйича қўшимчалар киритиш ушбу соҳадаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни, ўлим жазосини бекоР қилган ва ўлим жазоси ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган шахсларнинг жазолари ижро этилишини ташкил қилиш тажрибасига эга бўлган хорижий мамлакатларнинг тегишли қонун ҳужжатларини чуқур ўрганиб чиқишни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши муҳим вазифа ҳисобланади.

Инсоннинг яшаш ҳуқуқини эълон қилувчи ва мустақамловчи халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларидан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қондаларидан келиб чиққан ҳолда, шунингдек жиноий жазоларни янада либераллаштириш борасида аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасида 2008 йилнинг 1 январидан жиноий жазо тури сифатида ўлим жазоси бекоР қилинсин ва унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси жорий этилсин.

Қуйидагилар белгилансин: умрбод ёки узоқ муддатга озод-

ликдан маҳрум этиш жазоси Ўзбекистон Республикаси Олий суди, жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди томонидан тайинланиши мумкин;

жиноят содир этганлик учун умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар жазони махсус тартибли жазо ижро этиладиган ихтисослаштирилган муассасаларда ўтайдилар.

2. Адлия вазирлиги, Олий суд, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати 2006 йилнинг 1 январигага Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия кодексларига ўлим жазосини жиноий жазолар тизимидан чиқариб ташлаш ҳамда уни умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш билан алмаштиришга алоқадор ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида тақлифлар тайёрласинлар, бунда қуйидагиларни назарда тутсинлар:

ҳозирги вақтда ўлим жазоси тайинлашга йўл қўядиган жиноятлар содир этган шахслар учун озодликдан маҳрум этишнинг аниқ муддатларини белгилаш ва асослаш;

бундай жиноятлар учун жазо тайинлаш, озодликдан маҳрум этиш муддатларини ҳисоблаш тартиби, шунингдек ўлим жазоси ўрнига жорий этиладиган жазоларни ижро этиш тартиби ва шартлари.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳамаси икки ой муддатда умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумларни сақлаш учун зарур ихтисослаштирилган муассасалар иншоотлари мажмуасини қуриш ва фойдаланишга тайёрлаш чоралари, шунингдек ушбу муассасаларни молиялаштириш тартиби, уларда ишлаш учун кадрлар тайёрлаш тўғрисида қарор қабул қилсин.

4. Адлия вазирлиги, Олий суд, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон телерадиокомпанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги билан биргаликда ўлим жазосини бекоР қилиш масаласи бўйича аҳоли ўртасида кенг тушунириш ишларини ташкил этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

5. Мазкур Фармон Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси муҳокамага киритилсин.

6. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.А.Ҳудайбергенов зиммаларига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2005 йил 1 август

XXI саҳоси
Барча маълумлардан
олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● Кўкон шаҳрида «Жоматчилик назоратини амалга оширишда нодавлат, нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ўрни ва аҳамияти» мавзусида республика амалий анжумани бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси мамлакатимизнинг барча фермерларига мурожаатнома билан чиқди.

● «Ўзбекистон маданияти ва форуми» жамғармаси томонидан Урганч шаҳрида икки кун давомида «Янги авлод — 2005» фестивали ташкил этилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг ёш ижодкорлари ҳам анъанавий, ҳам замонавий услублар бўйича ўз маҳоратларини кўрсатдилар.

● Сирдарё вилояти, Ховос туманининг Йўлдошбод қишлоқ фуқаролар йигини ҳудудида сув тозалаш иншооти ишга тушди. Ушбу иншоот бир кеча-кундузда ўн тоннадан зиёд канал сувини тозалаб бериш қувватига эга.

● Сирдарё шаҳридаги биринчи умумтаълим мактаби жомоаси туман умумтаълим мактаблари ўртасида янги ўқув йилига тайёргарлик кўриш бўйича қолиб қолди.

● Тошкент вилоятида футбол бўйича 18 ёшгача бўлган қизлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон биринчилигида Қаршиннинг «Севинч» жомоаси биринчи ўринни қўлга киритди.

Жаҳонда

● Буюк Британия махсус хизматлари томонидан амалга оширилган кенг қўламадаги операциялар давомида 21 июлда Лондонда террорчилик ҳаракатларини амалга оширишда гумон қилинаётган, кузатиш камерасида суратга олинган барча тўрт нафар шахс қўлга олинди. Қизғин шундаки, улардан бири Рим шаҳрида ушланди.

● Москва вилоятининг «Монино» аэродромида улкан авиашоуб бўлиб ўтди. Унда 50 дан ортиқ самолётларда моҳир учувчилар ўз маҳоратларини намойиш этишди.

● Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларда тамаки реламасини радио, телевидение, матбуот ва Интернетда таъқиқловчи директива кучга кирди.

● Хитой маданият вазирлиги қўшиқчиларга концертларда фонограммалардан фойдаланишни таъқиқлаб қўйди. Бу қондага амал қилмаган санъаткорларга 100 минг юан (12 минг АҚШ доллари-га тенг) миқдорда жарима солинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

2005 йил 28-29 июль кунлари БМТнинг Қочқинлар иши бўйича олий комиссари бошқармасининг Қирғизистон бўйича тузилмалари томонидан халқаро ҳуқуқ ва БМТ қарорларининг барча қоида ва меъёрларини бузган ҳолда, Қирғизистон ҳудудидаги 440 нафарга яқин Ўзбекистон фуқароси гуёки инсонпарварлик эвакуациясини амалга ошириш йўли билан мазкур мамлакат ҳудудидан олиб чиқиб кетилди. Бу фуқаролар 2005 йил 12-13 май кунлари Андижонда фожиали воқеалар содир этилган вақтда чегарадан ўтган ва Қирғизистон ҳудудида яшаб турган эди.

Одамларни олиб чиқиб кетишга оид барча тайёргарлик ишлари ва ушбу тадбирнинг ўзи ўта махфий равишда амалга оширилди, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан пинҳон тутилди.

Ўзбекистоннинг мазкур фуқаролари қайси мамлакатга олиб чиқиб кетилгани ҳақида расман эълон қилинмади ва бу ҳали ҳам номаълумлигича қолимоқда.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги қуйидагиларни таъкидлашни зарур деб ҳисоблайди.

Биринчидан, Ўзбекистон томони, Қирғизистон ҳудудида ўтган Ўзбекистон фуқаролари сони Қирғизистон ва Ўзбекистоннинг чегара ҳудудларидаги ҳавфсизлик ва барқарорликка ҳеч қандай таҳдид солмагани учун бундай тадбирни ўтказишга бирон-бир асос йўқ эди, деб ҳисоблайди.

13 майдан кейин ўтган даврда уларнинг сони кўпайгани йўқ, аксинча, Андижон ва қўшни туманларда яшовчи бир неча ўн кишининг уйига қайтиб келиши ҳисобига қамалди.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан бу шахсларга нисбатан ҳеч қандай айбон қўйилгани, таъқиб ва таъқиқ ўтказилгани йўқ.

Ўзбекистон ҳукумати Қирғизистон томони билан Андижондаги фожиали воқеаларга қадар ва улар рўй берган вақтда оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этганлиқда айбланаётган 29 нафар Ўзбекистон фуқаросини қайтариш юзасидан музокаралар ўтказаятган эди ва ўтказмоқда.

Иккинчидан, Ўзбекистон фуқароларини гуёки инсонпарварлик эвакуациясини амалга ошириш йўли билан олиб чиқиб кетиш жараёнида барчага маълум халқаро меъёрлар, жумладан, БМТнинг 1951 йилда қабул қилинган Қочқинлар мақоми тўғрисидаги конвенцияси ҳамда унга 1967 йилда қўшилган протоколнинг асосий тамойил ва шартлари бузилди.

Қирғизистон давлат раҳбари томонидан ҳам, бу одамларни қабул қилиб, иш, нафақа, уй-жой ва бошқа шароит билан таъминлашга тайёр бошқа бирор мамлакат томонидан ҳам БМТнинг Қочқинлар иши бўйича олий комиссари бошқармасига тегишли ариза ёки мурожаатлар бўлгани йўқ ва бу ҳақда оммавий ахборот воситаларида ҳам хабар берилмади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Қирғизистон расмий шахслари таъкидлагандек, ушбу мамлакат раҳбарияти ва

ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ташқи қўчлар томонидан «мисли қўрилмаган» таъқиқ ўтказилган, деб баёнот бериш учун бугун барча асосларга эга. Жумладан, иши терговда турган шахсларни эвакуация қилиш масаласида ана шундай таъқиқ ўтказилганининг ўзи қочқинларнинг мақомини белгилаш бўйича қабул қилинган халқаро ҳужжатларнинг асосий тамойилларига зиддир.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги буларнинг барчасини «ўзбек қочқинлари» деб аталмиш ўйинни бошлаш ҳамда эълон қилинмаган ахборот хуружини давом эттиришга уринаётган ташқи қўчларнинг воқеалар ривожига йўл қўйиб бўлмайдиган даражадаги қўпол аралашуви деб ҳисоблайди. Зеро, ахборот хуружининг амалга оширилиши ҳам, айни «Андижонда фожиали воқеалар содир этилишидан олдин режалаштирилган эди».

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги қочқинлар масаласидек фавқулодда масъулиятли ва жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган ишда қабул қилинган халқаро меъёрлардан бирон-бир чекиниш ҳамда сиёсий ўйинларга берилишга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблайди.



Абитуриент — 2005

ҲАЯЖОНЛИ ВА УНУТИЛМАС ОНЛАР

КЕЧА

Республикамиз ҳамда пойтахтимиздаги барча олий ўқув юрларида абитуриентлар учун тест синовлари бўлиб ўтди. Албатта бўлғуси талабалар учун кўндан орзиқиб кутилган ҳам қувончли, ҳам ҳаяжонли дақиқалар бошланди.



Шаҳримиздаги Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат Санъат институтига ҳам эрта тонгдан қалблари чексиз ҳаяжонга тўлган абитуриентлар тўпландилар. Тест синовларини топшириш учун келган ёшларнинг орзу-максадлари битта. У ҳам бўлса тест синовларидан муваффақиятли ўтиб талаба бўлиш, келажакда етук мутахассис бўлиб етишиш ва мустақил Ўзбекистонимиз равақига муносиб ҳисса қўиш. Маълумки, Президентимизнинг яқиндагина эълон қилинган «Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат Санъат институти фаолиятини таъминлаштириш тўғрисида»ги Қарори нафақат институт жамоаси ва талабалар, шунингдек ҳамюртларимизнинг ҳам қалбларини қувончга тўлдирди. Мазкур Қарорда таъкидланганидек, институт фаолиятини тубдан яхши-

лаш, театр санъати, кино, телевидение, санъатшунослик ҳамда мазкур соҳанинг бошқа йўналишлари бўйича малакали мутахассислар тайёрлаш самардорлигини ошириш, шунингдек талабаларнинг ижодий истеъдоди ва қобилиятини ҳар томонлама тўлиқ юзга чиқариш учун зарур моддий-техник база ва шарт-шароит яратиш бўйича айни кунда ташкилий масалалар ҳал этилмоқда.

— Президентимизнинг ушбу Қарорини ҳақиқатан институтимиз жамоаси ва талабаларимиз катта қувонч билан қутиб олди, — дейди Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат Санъат институтининг биринчи проректори Мухсин Ғаниев. — Буни албатта санъатга бўлган эътибор ва ғамхўрликнинг юксак намунаси дейиш мумкин. Зеро мазкур Қарорда институти-мизда ижод, таълим ва тарбия фаолияти учун жуда қўлай ва замон талаблари даражасидаги шароитлар яратилиши кўзда тутилган. Албатта санъатга нисбатан бундай эътибор бежиз эмас. Жамият ривож, миллиятнинг юксалиши бевосита санъат ва санъаткорга боғлиқ. Институти-миз ҳақидаги ушбу муҳим ҳужжат аввало ёш ижодкор кадрларни етиштиришда муҳим дастуруламал бўлади дейиш мумкин. Бу йил институтимизга ҳаммаси бўлиб 842 нафар абитуриент ҳужжат топширди. Улар орасидан бакалавриатурага давлат гранти бўйича 80 нафар, контракт асосида 135 нафар, магистратура босқичига эса 60 нафар

талаба қабул қилиш режалаштирилган. Институтда учта — театр санъати, санъатшунослик ва кўйроқ театри санъати, кино-телерадио факультетлари мавжуд бўлиб, тўртта йўналишда 13 та ихтисослик бўйича мутахассислар тайёрланади. Шунини айтиш жоизки, Республикада ягона ҳисобланган институти-мизнинг ташкил топганига бу йил 60 йил тўлади. Қувончли шундаки институт жамоаси янги ўқув йилидан мухташам ва кўркам янги бинода ўз фаолиятини олиб боради. Бу албатта Мустақиллигимизнинг 14 йиллик байрами арафасида институт жамоасига жуда катта тўхфаси бўлди. Бундан чексиз миннатдоримиз.

Дарҳақиқат, бугунги кунда санъат соҳасида билим олиш истагида бўлган ёшлар учун янги бинода тахсил олиш катта бахт. Зеро мамлакатимизда истеъдодли, қалб олов, шижоати, чин ватанпарвар, илмга чанқок бўлган ёшлар учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Айни дамда эзу мақсадларни қалбига зо етган абитуриентларга биз ҳам тест синовларида омад ёр бўлишини тилаймиз.

Дилором ИКРОМОВА
СУРАТЛАРДА: Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат Санъат институтига ўқишга кириш истагида бўлган абитуриентларнинг тест синовлари жараёнидан лавҳалар.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

Иқтисодиёт

ҲАММАГА БИРДАЙ ЁКАДИ

Бектемир туманида фаолият кўрсатаётган «NORTH-STAR» Ўзбекистон-Япония қўшма корхонасининг иқтисодий-миз ривожига ўз ўрни бор.

2001 йилда ўз фаолиятини бошлаган мазкур корхона бугунги кунга келиб маҳсулотларининг сифати, асосан маҳаллий хом ашёдан тайёрланиши, бежирим қадоқланиши, асосийси таннархи нисбатан арзонлиги билан миқозлар эътиборида.

Корхона цехларидаги ҳорижий технология линия шарафати билан 30 турга яқин бир-бирдан мазали, тўлими сифатли музқандар ҳамда музқандоқлар тортлар тайёрланмоқда. Корхона тадбиркорлари савий-ҳаракатлари туфайли буюртмалар пойтахтимизнинг ҳамма нуқталарига ўз муддатларида етказиб берилиши йўлга қўйилдики, шу боис ҳам буюртмачиларнинг сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Корхонада янги-янги лойиҳалар устида иш олиб борилмоқда. Бунинг учун эса янги, замонавий дастгоҳ ва ускуналар келтирилиши кўзда тутилган. Албатта, шу асосда янги иш жойлари ҳам яратилиши мақсад қилиб қўйилган.

ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС

Ички бозоримизни сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдирганда Собир Раҳимов туманида фаолият юритаётган «Ғуломов» хусусий корхонасининг муносиб ҳиссаси бор. 1991 йилда тадбиркор сифатида иш бошлаб, оилавий бизнесни йўлга қўйган Хулкар Ғуломов иш фаолиятини энг азиз неъмат, дастурхонимиз кўрқи ҳисобланган нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан бошлади.

Россия давлатидан келтирилган дастгоҳ ва ускуналар ҳамда олий навли хом ашё туфайли бугунги кунга келиб жамоа ахли кўплаб турдаги нон ва қандолатчилик маҳсулотларини аҳоли дастурхонига етказиб бермоқда.

Изланувчан, тадбиркор ташаббуси билан жамоада маҳсулот турларига эътибор қаратилиб, ҳўжалик, манзарали, совғабоп, эксклюзив шамлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Эътибори томони, корхонанинг барча маҳсулотлари фирмалар дўконда ҳам сотилиб, яқин атрофдаги маҳаллалар аҳолиси мамнун этилмоқда. Хусусий тадбиркор Хулкар Ғуломов доимо изланишда. У янги маҳсулотлар яратиш ҳамда ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига жорий йил охиригача фуқароларга янги иш жойлари тавсия этиш эзгу нияти билан меҳнат қилмоқда.

Мухаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

ОЗАРБЎЙЖОНДА ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ КУНЛАРИ

Озарбўйжон ва ўзбек халқи ўртасидаги алоқалар тарихи қадим ўтмишга бориб тақалади. Мамлакатимиз Президентини Ислам Каримовнинг 1996 йил Озарбўйжонга, Озарбўйжон Республикаси раҳбари Илҳом Алиевнинг 2004 йил юртимизга ташрифлари чоғида эришилган келишувлар барча баҳалардаги алоқаларимизни юксак босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда.

Ўтган йили Тошкентда Озарбўйжон ёшлари кунлари бўлиб ўтган эди. Энди эса истеъдодли ёш санъаткорлар, рассомлар, ёшлар ташкилотлари фаоллари ва журналистлардан иборат Ўзбекистон ёшлари вакиллари Бокуга ташриф буюрди.

Улар мазкур тадбир доирасида бўлиб ўтган анжуман, давра суҳбати ва мулоқотлар давомида мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ва Озарбўйжонда амалга оширилаётган ислохотлар, бу жараёнда ёшларнинг иштироки ҳусусида фикрлашдилар. Ёш ижрочилар концерт дастурлари намойиш этилди. Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси, ёш рассом Шамшат Ҳасановнинг расмлари кўргазмаси озарбўйжонлик ёшларда катта таассурот қолдирди.

Ўзбекистон ёшлари Озарбўйжон олий таълим муассасалари талаба-ёшлари билан мулоқотда бўлди. Озарбўйжон Республикаси парламенти — Миллий мажлиси фаолияти билан танишди.

Озарбўйжонда Ўзбекистон ёшлари кунлари икки мамлакат ёш ижрочиларининг катта концерти билан якунланди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА МАХБАРИ

ИСЛОҲОТЛАР ОҚИМИДА

Республикада ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, жамияти демократлаштириш ва янгилаш борасида устувор масалалар белгиланиб, бу йўлда улкан қадамлар ташланди. Мазкур вазифаларни бажаришда суд тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштириш, бу йўналишдаги ўта муҳим масала бўлган суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг масъулиятини янада ошириш, биринчи навбатда, қонун ҳимоячиларининг мустабид тузумдан мерос қолган иллатлардан тўла халос бўлиши, тадбиркорлик, бизнес ва ҳусусий сектор вакилларига нисбатан муносабатларини тубдан ўзгартиришга алоҳида аҳамият беришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу ўринда тадбиркорлик фаолиятига ноҳилис кўз билан қараш кўникмаларидан бутунлай қутулиб, аксинча уларнинг манфаатлари ва қонуний ҳуқуқлари ҳимоясини тўла таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир. Шу маънода, Тошкент шаҳар прокуратураси органлари томонидан тадбиркорлар ва ишбилармонлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг эркин фаолият юритишларига тўқилиш қилаётган муаммоларни бартараф этиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

2003 – 2004 йиллар ва 2005 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари бузилиши билан боғлиқ жиноят ишларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ушбу давр мобайнида мазкур йўналишда жами 16 та иш қўзғатилган бўлиб, 15 таси 18 нафар шахсга нисбатан айблов ҳулосалари билан мазмунан қўриб чиқиш учун тегишли судларга юборилган.

Мазкур жиноят ишларининг 10 таси Давлат солиқ қўмитаси, 3 таси ҳокимият идоралари ва 1 нафардан Ички ишлар вазирлиги, банк ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш идоралари ходимларига нисбатан қўзғатилган.

Жумладан, 2004 йил 7 февраль куни шаҳар прокуратурасининг иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш бўлими томонидан ЖКнинг тегишли моддалари билан Бектемир туман ДСИ ходими У.Муратовга нисбатан жиноят иши қўзғатилган. Тергов давомида унинг 2003 йил 10 октябрь куни ўз хизмат хонасида фуқаро Ш.Шодиевадан тамагирик йўли билан савдо фаолиятини тўхтатиб қўймаслик эвазига 90 АҚШ доллари, худди шу усулда 15 ноябрь куни 100 АҚШ доллари олганлиги аниқланди. Шунингдек, 2004 йил 22 апрель куни Тошкент шаҳар ДСБ солиқ инспекторлари Ф.Қурбонов ва Д.Саттаровлар «OVN» МЧЖда текширув ўтказиб, ҳусусий корхона раҳбари А.Қодировдан текширув деалолатномасини ижобий тузишлари эвазига 1300 АҚШ доллари ва 150.000 сўмини пора тариқасида олган вақтларида ашёвий далил билан ушланган. Шу кўйиқ Тошкент шаҳар прокуратураси иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш бўлими томонидан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, иш мазмунан қўриб чиқиш учун судга юборилган.

Бу борада Тошкент шаҳри туманлари прокуратуралари томонидан ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, **Ўчтепа** туман прокуратураси томонидан 2005 йил 26 апрель куни туман ДСИ инспектори Р.Хожиевга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов жараёнида у хизмат ваколатларини суистеъмол қилиб, Карвон бозорига фаолият кўрсатувчи ҳусусий тадбиркор Х.Муҳитдиновдан ҳар ойлик мажбурий тўловларни йиғиб, жами 1.453.680 сўм миқдоридagi йиғимни бюджетга топширмасдан ўзлаштириб юборганлиги аниқланди.

Лекин шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳукуматимиз томонидан тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очиб берилаётган бир пайтда, улар томонидан масъулиятсизлик, жиноят содир этиш ҳолатлари мавжудлиги кишини ташвишга солади. Баъзи бир ҳамшаҳарларимиз фақат ўз ҳуқуқларини талаб этиб, бурчлари ҳам борлигини унутиб қўядилар.

Биргина шаҳар прокуратураси органлари томонидан 2005 йилнинг 1-ярим йиллигида иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш борасида қўзғатилиб, тергов қилинган жиноий ишлар таҳлил қилинганда, ушбу давр мобайнида жиноятчиликнинг мазкур тури билан боғлиқ жами 546 та ишнинг 493 таси айблов ҳулосалари билан тегишли судларга юборилиб, 654 нафар шахс жиноий жавобгарликка тортил-

жиноят иши 2005 йил 30 июнь куни айблов ҳулосаси билан мазмунан қўриб чиқиш учун судга юборилган.

Жорий йилнинг 1-ярми давомида Миробод туман прокуратураси томонидан «Анжфар» ҳусусий фирмаси раҳбари В.Тагиевга нисбатан жиноят иши тергов қилиниб, у ЖКнинг тегишли моддалари билан айбланган. Дастлабки тергов жараёнида 178 млн. сўм миқдоридagi зарарни қоплаш мақсадида туман прокуратураси томонидан 108 млн. сўмлик «Анжфар» ҳусусий фирмасига тегишли бинога банд солинган ва суд томонидан моддий зарарни қоплаш учун реал имкон яратиб берилган.

Тошкент шаҳар прокуратураси органлари томонидан 2005 йилнинг 1-ярми давомида республика иқтисодиётига қарши қаратилган валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда ўтказиш билан боғлиқ жиноятлар

Айтиш жоизки, хозирда ёнигнинг табиий йўқолиш ҳолати бартараф этилган. АЕҚШлардаги барча бензин куйиш мосламалари замон талабларига мос ва улардан белгиланган миқдордаги ёнигнинг тўлиқ қуйилиши лозимлиги барчага маълум. Шунга қарамадан айрим АЕҚШлардаги сохта «ишбилармонлар» ўзлари ўйлаб топган мосламаларни қонунга хилоф равишда ўрнатиб, фаолият кўрсатиб келмоқда. Улар ушбу техник ускуналардан ўзларнинг фараз мақсадлари йўлида фойдаланишган. Бу «кашфиёт» шундан иборат: қуйилаётган бензинни қўрсатувчи таблода хайдовчи хариб қилиб олган бензин миқдори кўриниб туради, лекин ушбу таблодаги қўрсаткичга тўғри келмайди.

2003 йил 30 октябрь куни Равшан Бобононов «Ойлгазавто» шўба корхонаси билан шахсий моддий жавобгарлик ҳақида шартномага имзо қўйиб,

«Корасув» АЕҚШга катта оператор лавозимига тайинланди. У тўғри ишлаб даромад орттиришдан қониқмай, кашфиёт қилгиси келиб қолади. Хуллас, бензин куйишнинг «антика» йўлини ўйлаб топган. У ўзи ёки биронта электр соҳасида ишнинг кўзини биладиган танишлари орқали АЕҚШда мавжуд бўлган 4 та бензин куйиш ускунасига қуйилаётган бензиннинг миқдорини ўзгартирадиган қўлбола ишланган 4 дона «плата» (микросхема) ўрнатган. Ушбу микросхема ёрдамида ҳақиқатда 50 литр ёниг берилган ҳолда, қўрсаткич 52,3 литр бензин қуйилганини кўрсатади. Қолган ортиқча 2,3 литр бензин, бутун фаолияти давомида бензин кам қуйилиши оқибатида ортиқча қолган миқдор умумий қийматда 71 миллион сўмини ташкил қилган.

Текширишларда аниқланишича, Р.Бобононов, навбатчи операторлар А.Исмоилов ва М.Хўжаевлардан 750 литр А76 русумли 240.000 сўмлик бензин ёнигисига қамомати, 53 литр А91 русумли 19.610 сўмлик бензин қамомати, 7.475 сўмлик 23 литр дизел ёнигисига қамомати аниқланди. Алоҳида турган ёниг куйиш ускунасида А91 русумли бензиннинг 1.689 литри сифатсиз эканлиги ҳолда АЕҚШ ходимларининг ҳеч бир хижолатсиз ушбу ёнигнинг харидорларга сотаётганлигини қандай изоҳлаш мумкин.

2005 йил 1 июль куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валюта оид жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан «Ўзбекнефтегазтранс» Ўзбекистон — Америка экспедитор транспорт қўшма корхонаси бош директори Мирмаксуд Мурталибовга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, унга сирдан айблов эълон қилинди. Хозирда у Интернет томонидан қидирилмоқда. Қўшма корхона бош ҳисобчиси Валентина Корпенкога жуда кўп миқдорда даромадни солиқдан яшириш, мансаб ваколатларини суистеъмол қилиш ҳолатлари бўйича айб эълон қилинган. Юқоридаги шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари албатта суд томонидан қўриб чиқилиб, адолатли ҳукм чиқарилади.

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотлар жараёни давом этаётган бир пайтда бу каби ноҳуш ҳолатлар билан асло мурожа қилиб бўлмайди. Зеро, бугун мамлакатда тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун барча имкониятлар яратилмоқда, тақомиллаштиб бормоқда. Бу борада зарур қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилган. Ушбу жараён эса давом этирилмоқда. Вазифа аниқ — ҳар биримиз ўз ҳуқуқ ва бурчимизга амал қилишимиз, қонуналарни мукаммал ишлашини талаб қилишимиз, ҳар иккала мезон таъминларидан чекинмаган ҳолда тадбиркорнинг ҳуқуқ ва масъулиятини ошириш борасида барча имкониятларимизни ишга солишимиз зарур.

Бахриддин ВАЛИЕВ,
Тошкент шаҳар
прокурори, адлия катта
маслаҳатчиси

ТАДБИРКОРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАСЪУЛИЯТИ

ган.

2005 йилнинг дастлабки олти ойи давомида Тошкент шаҳар прокуратураси органлари томонидан моддий зиён етказиш билан боғлиқ тергов қилинган жами 231 та жиноят иши бўйича аниқланган 3 млрд. 883 млн. сўм зарарнинг 2 млрд. 481 млн. сўми дастлабки тергов жараёнида қопланди.

Масалан, 1982 йилда туғилган фуқаро А.Мадаминов ўзининг танишлари А.Коломейченко, О.Коломейченко, С.Бакиров, И.Юнусов, А.Тошбоев, Ж.Тошбоев, Н.Мамасодиқов, З.Исаев, И.Данильянц, И.Валиулин, А.Азизонов, А.Насимов, М.Раимов ва бошқалар билан жиноий тил бириктириб, ноқонуний бойлик орттириш мақсадида Тошкент шаҳри ва республикаимизнинг вилоятларида ҳусусий «Шарк», «Монанд-А», «Ал Азим Контакт», «Хопер Инвест», «Узобле Қўқон», «Набирахода», «Регал продукт», «Вохид Бизнесмен», «Акропус», «Лаки стар трейд», «Элит класс сервис», «Армония савдо», «Камолитдин савдо», «Осиёагромир», «Сармат сервис», «Ақбарус», «Азия Элит Люкс» каби корхоналарни ташкил этиб, улгуржи савдо рухсатномаларини қалбақлаштириб, ушбу ҳусусий фирмалар ҳисоб рақамларига жуда кўп миқдорда пул ўтказди. Улар ушбу маблағни қонунга хилоф равишда нақд пулга айлантириб, корхонанинг ҳисоб рақамидagi товар айланмасини яширган ҳолда солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товланганлар. Ушбу жиноят иши бўйича аниқланган 112,5 млн. сўм зарарнинг 101,5 млн. сўми дастлабки тергов жараёнида ундирилган.

Тошкент шаҳар прокуратурасининг иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бўлими томонидан «Фарангиз» масъулияти чекланган жамияти мансабдор шахсларига нисбатан бўлган жиноят иши тергов қилинганда, корхона раҳбари Ё.Тургунов А.Насриддинов билан жиноий тил бириктириб, «Хива карпет» қўшма корхонасидан қарз шартномасига асосан 14.540 дона гиламин қабул қилиб, ҳужжатларни қалбақлаштирган ҳолда гиламларни нақд пулга сотиб, тушумини ўзлаштириб юборганликлари аниқланди.

Бундан ташқари, Ё.Тургунов ва А.Насриддинов «Нафисахон-сервис» масъулияти чекланган жамият раҳбари Ф.Жалилов билан олинган жиноий тил бириктириб, жамиятга «Равнақ-банк»дан 150 млн. сўм миқдоридagi кредит олиб, ўзлаштириб юборганлиги тергов жараёнида фош этилган. Дастлабки тергов жараёнида ушбу иш бўйича 714 млн. сўм миқдоридagi зарарнинг 619 млн. сўми ундирилиб,

ҳам фош этиб келинмоқда.

Чунончи, акциядорлик тижорат «Галлабанк»нинг амалиётлар бошқармасига қарашли «Сирғали» минибанки етакчи мутахассиси Б.Дўсматов 2005 йил 22 апрель куни қариндоши Р.Тожибеков ва фуқаро А.Фодуров билан ўзаро жиноий тил бириктириб, амалиёт бошқармасидан чиқим ордери билан 10.000 АҚШ долларини олиб, банк тизимидagi валюта айирбошлаш шохобчасига етказиб бериш ўрнига фуқаро А.Шарипованинг 10.950.000 сўмини алмаштираётган вақтида Собир Раҳимов туман прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валюта оид жиноятларга қарши курашиш бўлими ходимлари томонидан ушланган.

Мамлакатимизда ёқилги саноатини ривожлантириш йўлида ҳам салмокчи ижобий ўзгаришлар амалга оширилди. Хусусан, қабул қилинган қарорлар асосида пойтахтимизда янги, замонавий ускуналар билан жиҳозланган давр талабига мос автомобиль ёниг куйиш шохобчалари қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Натижада ёниг куйиш навбат кутиш ҳолатларига чек қўйилди. Шу сабабли, кўпчилик илгаридек АЕҚШларнинг ёниг куювчи ходимлари томонидан автомобилларга бензин куйишда «ўриб қолиш» каби иллатлар йўқолган, деб ўйлаш табиий.

Хайдовчилар томонидан билдирилётган шикоятлар асосида Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валюта оид жиноятларга қарши курашиш департаменти билан Тошкент шаҳар прокуратураси жиноятларни тергов қилиш бўлими ҳамкорликда ўтказган текширувлар чоғида Тошкент шаҳридаги бир қатор АЕҚШларда автомобилларга ёниг махсуслотларини тўлиқ қўймаслик ҳолатларига нафакат оператор-ходимлар, балки АЕҚШ раҳбарлари томонидан ҳам йўл қўйилаётганлиги маълум бўлди. Текширишлар натижасига қўра, «Ойлгазавто» шўба корхонаси раҳбари А.Хусайнов, бош ҳисобчи И.Ерошова, Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани «Аэродромная» кўчаси 5-уйда жойлашган юқорида кўрсатилган шўба корхонага тегишли АЕҚШ бош оператори Р.Бобононов, навбатчи операторлар А.Исмоилов ва М.Хўжаев, «Пионер» автомобилларга газ қуйиш шохобчаси катта оператори И.Усмонов, З.Ниязов ва Р.Хусанбоевларга нисбатан хизмат ваколатлари доирасидан четга чиқиш ҳамда даромадни яшириш аломатлари билан жиноят иши қўзғатилди. Шунингдек, текшириш натижасида автомобилларга ёнигнинг қамайтириб қуйиш ва даромадни, қўндалик пул тушумини яшириш ҳолатлари аниқланди.

Мазкур маънавий қадриятлар замирида умуминсоний ва миллий-маънавий қадриятлар муштараклиги, Ватанимиз баркамол ёшларининг маънавияти-маданиятини шакллантиришга эришиш ётади. Чунки ёшлар тафаккурини ўстирмасдан уларнинг маънавий дунёсини бойитмасдан туриб ҳеч қандай ижтимоий, иқтисодий, маданий, сиёсий йўналишдаги вазифаларни бажариш, муҳими, Миллий истиқлол мафкура-сини тўла-тўқис яратиб бўлмайди. Бугунги ёшлар 14 йил олдинги ёшлардан бутунлай фарқ қилади. Чунки улар Мустақил Ўзбекистон ёшлари. Чунки бу ёшлар ягона коммунистлик ғоялардан бегона, уларнинг дунёқарashi мустақил, ворислик маънавий муҳити асосида қарор топамоқда. Бугун Ўзбекистон ёшлари дунёни ўзгача идрок этиш билан бирга, улар жамият ижтимоий ривожланишининг турли сиёсий институтлар, партиялар ва фикрлар хилма-хиллигига асосланган, ижтимоий-сиёсий ва энг асосийси ўз маънавий қадриятларига таяниб ҳаётни янгилаш мустақил идрок эта бошлаганлар.

«Биз учун Мустақиллик, — дейди Президентимиз, — энг аввало, ўз тарихимизни ўз қўлимизга олиш, ўзлгимизни англаш, миллий қадриятларни, урф-одатларимизни тиклаш, ҳаммамиз учун мўтабар шу заминда, ҳар бир хонадонда тинчлик-оқшайишликни, барқарорликни сақлашдир. Азиз Ватанимизда адолат, инсоф, дину диёнат, меҳру оқибатни қарор топтиришдир».

Чунки халқимизнинг маънавий қадриятлари, улар мероси ёшларимиз ҳаётида шу маънавий ва ахлоқий қадриятларни ўзлаштириб, баркамол авлод бўлиб етишишида муҳим рол ўйнайди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жиззах, Сирдарё ва Наманган вилоятларининг навбат-

дан ташқари сессиялари, жумладан, Олий Мажлисининг қўшма мажлисида сўзлаган нутқларида ислохотларни амалга оширишда эришилаётган ютуқларни таъкидлашлари билан бирга, янгилаш фикрлаш ва ишлаш давр талаби эканлиги, ислохотларнинг натижаси инсонлар онги ва тафаккуридаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиб қолаётганлигига эътиборни жалб этиб, кўниб гапирган эдилар. Дарҳақиқат, олдимизда турган долзарб вазифалардан энг давомийлиги маънавий қадриятларимизга асосланган таълим-тарбия ва миллий мафкура тарғиботи дидир. Собик мафкура халқимиз онгини бир томонлама яширин, ўз манфаатлари томон йўналтирилганлиги мустақиллик тўғрисида фаш бўлди ва Ўзбекистонда «Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас» эканлиги ҳуқуқий асосга қўйилди. Шунга қарамай Ватанимизга ёт ғоялар ва мафкуралар кириб келмоқда. Ёшларимиз, фуқароларимизнинг онига таъсир кўрсатиш орқали улар турли ақидаларас-тлик ҳаракатларига жалб қилинмоқда. Инсон ақлига, тафаккурига сиғмайдиган ёвузликлар содир этилмоқда. Ақидаларас-тликка асосланган онг, заҳарланган тафаккур аввало демократияни, маънавий қадриятларни, ўз миллий мафкурасига асослан-

ган содиқ ватанпарварларни ҳуш кўрмайди. Чунки, миллий мафкура ва миллий истиклол ғояси ақидаларас-тликни фаш этадиган муҳим қадрият таъкидидир. Аслида, «ақиди» сўзининг луғавий маъносини арабчада ишонч деган маънони англатади. Яъни, шак келтирмасдан, муҳокама

нинг бузуқ фикрларини оят ёки ҳадис билан исботлашга уриниб, мусулмонларни алдашлари ва бузғун ҳукм чиқарадиган одамлардан бўлиб қолишидир. деган эдилар. Лекин, минг афсуски, мустақиллик ва у берган нэматларни англамаётган, бизни танлаган йўлимиздан қайтаришга уринаётган носоғлом жангари гуруҳлар, ичимиздан чиққан маддоҳлар ҳамон учраб турибди.

Абдурахмон Жомий бобомиз сўзлари билан айтадиган бўлсак: **Маддоҳлар душмандан ёмондир ёмон, не хилари билса, ишлар осон.**

Чунки улар демократик тафаккур, чин инсоний фикрлар хилма хиллигини эътироф этишдан йироқ, бировнинг тизгинига қайнайди.

Улар ғояси миллий мафкура ғоясига зид, чунки уларнинг онгида ва тафаккурида айрим ақидани охириги ҳақиқат деб қабул қилиш орқали, ундан тажовузкорлик мақсадида фойдаланишга уриниш ётади.

2005 йилнинг 13 майида Андижонда бўлиб ўтган машъум воқеалар ана шундай носоғлом ақидаларас-т ва радикал экстремизм ғояси билан қуролланган ёвуз кучларнинг таъсирида содир бўлди. Ватандошларимизнинг, беғуноҳ инсонларнинг қони тўкилди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг сайф ҳаракатлари билан террорчилар ва жиноятга шерик бўлган кимсаларнинг юз-

дан ортиги қўлга олинди.

Ватан тараққиёти, унинг ривожини, мустақиллигини, келажакдаги улғуворлигини ёшларимизнинг ўз маънавий қадриятларига нечоғлиқ таянишига боғлиқ бўлади. Буюк Навоий бобомиз ҳикматлари билан айтсак:

Ватан таркини бир нафас айлама Яна ранжи гурбат, ҳавас айлама. Душман фарибин ема, Маддоҳ хушомадин дема.

Еки бобомиз Абдуқодир Бедил сўзи билан ифода этганда:

Кимки ганимат деб ватандан кўчар Бошқага ҳам кунгил кўелмай ўтар. Уқун тошдан ажраб чиққанидан сўнг Қанча ардоқлама барибир ўчар.

Бу сўз дурдоналарида мартабаси осмон авжидек баланд, кўшдек мунаввар халқимиз, аждодларимиз, донишманд боболаримизнинг ўғитлари, ланду насиҳатлари, шеър уривоатлари, асарлари асрлар оша янада сайқал топиб келаётган буюк қадриятларимиз муҳасам. Доно боболаримиз умуммиллий ва инсоний маънавий қадриятларни ўзаро уйғун ҳолда идрок эта олишган. Шунинг учун уларнинг асарлари эскирмайди. Гўёки, бугунги кун талабидан келиб чиққандай долзарб. Шу маънода уларнинг онги дунё тамаддунига қўшган ҳиссаси, айни чоғда миллий маънавиятимиз асосида туради. Ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашимизда улар руҳи мададкорлик қилади.

Зеро, умрининг бутун маъноси мавҳумлики тўхтовсиз забт этиш билан бирга, тобора ва ҳаммаша кўпроқ билимга, маънавият ва маърифатга интилиб яшашдир.

Баҳоидир ЮСУПОВ,
Миллий мафкура илмий тарғибот маркази бош мутахассиси

Маркази фаолиятдан

ИБРАТЛИ ИШЛАР

Юртимизда маънавий муҳитнинг соғломлиги, ҳар қандай ислохотларнинг энг аввало одамлар онги ва дунёқарашига, руҳий-маънавий оламига мослаштирилиб олиб борилаётганлиги сабабли ҳам фуқаролар имконияти, яратувчанлик ва бунёдкорлик қобилиятлари тобора кучаймоқда.

Бугунги кунда «Маънавият ва маърифат» марказининг Миробод туман бўлимида фуқароларнинг маънавий-маърифий онгини ошириш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

«Бизнинг асосий мақсадимиз, — дейди «Маънавият ва маърифат» маркази туман бўлимининг раҳбари Гулчехра Набиева, — фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини янада ошириш, маънавиятини юксалтириш, ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, ҳар томонлама комил инсонни вояга етказиш, маънавий муҳитни соғломлаштириш, диний ақидаларас-тликнинг олдини олиш каби вазифаларни амалга оширишдан иборатдир. Тумандаги ҳар бир ташкилот, корхоналарда маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш мақсадида, маъсул ходимлар билан ҳамкорликда самарали ишлар олиб боришмоқда. Ҳар бир муассасада ишлар аниқ режа асосида амалга оширилиб келинмоқда.

Дарҳақиқат, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлимида ҳозирда ишлар қизибди. Тумандаги 39 та маҳаллаларда аҳоли билан биргаликда турли мавзуларда тадбирлар, учрашувлар, спорт мусобақалари ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Шунингдек, Фармон ва қарорларнинг мазмун ва моҳиятини аҳолига тушунарли қилиб етказиш мақсадида муассаса, ташкилот, корхона ва маҳаллаларда маърузали чиқишлар ташкил қилинган.

Жумладан, туман ҳудудида жойлашган Тошкент Халқаро аэропорти, Тошкент университетини, «Ўзметва-савзавотлойдига», «Ватанпарвар» ташкилотлари, «Ўзтемирйўлмаштаъйир» акциядорлик компанияси, Миллий банк амалиётлари бўлими, Давлат геология қўмитаси, «Исхикликэлектрлойдига» ташкилот ва корхоналари билан «Оила» муқаддас саждагоҳ», «Саломатлик—туман боилик», «Ватан останада бошланади», «Кашандаллик— умр заволи», «Тиббандлик—аср вабоси», «Ўз уйинини ўзинг асра», «Она табият—асрайлик» каби қатор тадбирлар ўтказилганлиги, буларнинг барчаси инсон эътиқодини юксалтиришга, келажакка ишонч қўзи билан қарашга, ўзлгини англашга ва юртни севишга, уни қўз қорачиғидай асрашга даъват этади.

Маҳаллаларда фаоллиг қўрсатаётган хотин-қизлар комиссиялари раисалари, фаоллари, оила шифокорлари кўмагида оилада тиббий маданиятни ошириш, оилавий спортни ривожлантириш, қизларнинг кийиниш маданияти ва тарбиясига алоҳида эътибор бериш, уларни оилага тайёрлаш, бўш вақтларини маъмул ўтказиш борасида қатор ишларни ҳам амалга оширишда «Маънавият ва маърифат» марказининг қилаётган ишлари таҳсинга сазовордир.



тақдирланди. Яна шуни қувончлики, марказ томонидан жорий йилнинг 14 апрелида «Нотиклик санъати» кўрик-танловининг туман босқичи ташкил қилинди. Унда тумандаги олий ўқув юрлари, касб-хўнар коллежларининг ўқитувчи ва талабалари иштирок этдилар. Танловда Миробод касб-хўнар коллежининг 1-босқич талабаси Камолдидин Толипов голиб деб топилди, шаҳар босқичига йўналма олди ва 11 июнда ўтказилган мазкур кўрик-танловнинг шаҳар босқичида ҳам иштирок этиб иккинчи ўринни эгаллади.

Маънавият инсонни юксакликка қорлайди, изланиш, интилиш ва ўрганишга ундайди. Маънавият бутун инсонлар ҳар қандай ҳолатда ҳам яхшилик қилишга интиладилар. Борлиққа ишонч қўзлари билан боқадилар ва бир-бирларини севиб, ардоқлайдилар. «Маънавият ва маърифат» марказининг Миробод тумани бўлими ходимлари ҳам ҳар бир қилаётган ишда, босган қадамларида, ўйлаган ўйда халқ фаровонлигини, соғлигини, истиқбол-ли эртасиго, нури келажакни ўйлаб иш олиб боришмоқда. Асосий мақсад эса инсон қамолотида.

Гулчехра ДУРДИЕВА
СУРАТДА: «Маънавият ва маърифат» марказининг Миробод туман бўлими томонидан ўтказилган тадбирлардан лавҳа.

қилмасдан бажариш, Исломи динида эътиқод қилиш лозим бўлган илоҳий талабдир. Лекин «Хизбут-таҳрир», «Ал-қоида»чилар, «Исломи лашкарлари» ва ҳоказолар бу ишончининг мутлақ акси бўлган ўз қонли шахсий манфаатлари йўлидаги ғояларини тарғиб қилиб, юртимизнинг конституциявий ҳукумат идораларини зўравонлик йўли билан ағдариб ҳокимиятни қандай бўлмасин эгаллаш учун уларни қишлар онига ва қалбига мафкуравий таъйиқлар ва бошқа воситалар асосида сингдириб, эътиқод даражасига қўйишмоқда.

Бу ерда ҳазрати Умар (р.а.) — «Исломи-яни бузадиган нарсани дин одамларининг янглиш гапириши, мунофиқлар ўзлари-

ган радикал экстремист кучлардир. Улар ғояси миллий мафкура ғоясига зид, чунки уларнинг онгида ва тафаккурида айрим ақидани охириги ҳақиқат деб қабул қилиш орқали, ундан тажовузкорлик мақсадида фойдаланишга уриниш ётади. 2005 йилнинг 13 майида Андижонда бўлиб ўтган машъум воқеалар ана шундай носоғлом ақидаларас-т ва радикал экстремизм ғояси билан қуролланган ёвуз кучларнинг таъсирида содир бўлди. Ватандошларимизнинг, беғуноҳ инсонларнинг қони тўкилди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг сайф ҳаракатлари билан террорчилар ва жиноятга шерик бўлган кимсаларнинг юз-

Маънавият — ақл кўзгуси

Майбаамиз жонқуярлари

БИР КАСБДА 36 ЙИЛ

Орамизда шундай инсонлар борки улар ўз касбларига улкан меҳр билан қарайдилар. Ўз вазифаларини сидқидилдан бажарадилар. Оддийлик, камтарлик уларга хос ҳислат.

36 йилдан бери ота касбини ардоқлаб давом эттириб келаётган Хусанжон Каримов ҳам ана шундай инсонлар сирасига қиради. У Ўзбек Миллий академик драма театри олдидаги 591-сонли «Матбуот» дўкончасида фаолият кўрсатиб келмоқда.

— Мен 36 йилдири, шу соҳада меҳнат қилиб келя-

ман, — дейди Хусанжон Каримов. — Бу касб менга ота мерос. Ишим ўзимга жудаям ёқади. Инсонларга зиё нури таратайман, ахир. Хизмат жараёнида турли касбдаги инсонлар билан муоамала қилишга тўғри келади, ҳар қандай вазиятда ҳам одамларнинг кўнглини олишга ҳаракат қиламан. Озми-

кўпми халқимизга нафим тегаятганидан мамнунман. Ҳа, Хусанжонни ўз касбига меҳр ва ихлос қўйган матбаамиз жонқуяри десак арзийди.

Журналлар ва газеталарда чиқаётган ҳар бир мақола эринмай ўқиб чиқиб, ундаги маданиятимизга, санъатимизга дахлдор

бўлган янгиликларни, одоб-ахлоқ, маънавият, саломатлик мавзусидаги қизиқарли, долзарб мақолаларни одамларга етказиш унинг асосий вазифасидир. Халқимизда «Меҳнатинг — зийнатинг» деган нақл бежиз айтилмаган. Ўзининг ҳалол меҳнати билан одамлар олқишиш, раҳматини олиб келаётган Хусанжон сингари меҳнатсевар, ўз касбининг заҳматкаши бўлган инсонлар ҳаммаша эл эъзозига бўладилар албатта.

Абдулла ТОЛИПОВ,
меҳнат фахрийси

ва мутахассислар ўртасида қизиқарли савол-жавоблар ўтказилди. «Ўзгариш» ҳамда Ҳабибий номидаги маҳаллалардан иштирок этган фаоллар бугунги кунда оилада учрайдиган муаммаларни хусусида ўринли фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Дарҳақиқат, давлатимиз маънавияти юксак, маърифатпарвар халқи билан равақ топаётганини нафақат тарих исботлайди, балки у ҳар бир фуқароларимиз қалбига муҳрлангандир. Келажак ворисларимиз онига миллий истиклол ғояларини сингдиришда албатта, ота-боболаримиз мерос қилиб қолдирган намуналардан, ўғитлардан фойдаланамиз. Зеро, маънавият — жамият ва миллат равақининг бош пойдевори-дир.

Юлдуз УСМОН

«Тошкент оқшоми» газетасининг 2005 йил 23 июни сониди ёритилган «Серияллар ҳаётимизда муҳим ўрин эгаллайдими? Ёхуд бундай фильмларнинг ёшларга таъсири хусусида» деб номланган мақолада баён қилинган мушоҳадалар ўйлайманки биргина мени эмас, балки минглаб газетхонлар қалбигада ўйларни юзага

Акс саро

ШАРҚОНА ОДОБИ УНУТМАЙЛИК

«Сир эмас, баъзан беозоргина бўлиб туюлган мусиқа, оддийгина мультфильм ёки реклама лавҳаси орқали ҳам маълум бир мафкуравий мақсадлар ва интилишлар ифодаланган, — деб таъкидлаган эди Президентимиз Ислам Каримов.

Халқимизда «етти ёшдан етмиш яшаргача» деган

ибора бор. Бу ибора бирор тадбир ёки ҳаракатда иштирок этган кўпчиликни билдиради. Биз томоша қилаётган сериялларга нисбатан шу иборани ишлатсак, унинг ёш даражаси ўзгарганининг гувоҳи бўламиз. Чунки сериялларни тўрт-беш ёшдан етмиш-саксон чикаришга

с а б а б бўлди, дейиш мумкин. Мушоҳадаларда келтирилган фикрларга тўхталадиган бўлсак, бундай «бонг» уриш аллақачон бўлиши керак эди. Ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон телевидениеси

агар янгилашмасам мана салкам 10 йилдан буюн «сериял» кўрсатиш касалига мубтало бўлди. Буларнинг ҳаммаси ўша даврда кўрсатилган мексикаликларнинг узундан узок «Бойлар ҳам йиғлайди», деган сериялидан кейин бошланган эди. Ўша пайтларда ҳам бундай ҳаракатга ҳазин овозда бўлса, норозиликлар билдирилган. Аввал биринчи дастур орқали кўрсатилган серияллар кейинчалик «Ёшлар» ва «Тошкент» каналларини ҳам забт этди.

Серияллардаги асосий камчилик бу — халқимизнинг менталитетига тўғри келмаслигидадир. Ана шундай сериялларни бизнинг нурунийларимиз билан бирга уларнинг фарзандлари, набиалари жаммо бўлиб қўришмоқда. Бундан эса энг аввало мушоҳадада таъкидланганидек бизнинг «асрлар давомида сайқалланиб келаётган шарқона, ўзбекона маданиятимиз, ахлоқ меъёрларимиз юмшоқроқ қилиб айтганда азият чекмоқда, йўқолиб бормоқда». Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, хурматли газетхон. Экранда юз бераётган бешарм лавҳаларни оила бошлиғи, унинг фарзандлари, келинлик набиалари бирга томоша қилса, беҳаё кўринишлар пайдо бўлганда ким экранни биринчи бўлиб ташлаб чиқиб кетиши керак? Бундай ҳоллар дастлабки пайтларда ўртада ноқулайликлар туғдирган бўлса, бора-бора каттаю кичикнинг «эти ўлиб бораверади». Ўртада ҳаяёт, кўта-рилла боради.

Биз серияллар бутунлай керак эмас, деган фикрдан умуман йироқмиз.

Халқимизда «етти ёшдан етмиш яшаргача» деган ибора бор. Бу ибора бирор тадбир ёки ҳаракатда иштирок этган кўпчиликни билдиради.

Биз томоша қилаётган сериялларга нисбатан шу иборани ишлатсак, унинг ёш даражаси ўзгарганининг гувоҳи бўламиз. Чунки сериялларни тўрт-беш ёшдан етмиш-саксон

лан ўтказиш ўрнига, фойдали ишларга сарф қилсак, ёмон бўлмасди. Наҳотки, телевидениенинг ижодкор ходимлари ўз дастурларини узундан-узок серияллар ҳисобига тўлдириб боришса?

Нима учун телевидениеда кўрсатилаётган серияллар уларни намоиш этишдан олдин мутахассислар ҳуқуқида ҳавола қилинмайди?

Нима учун кинотанқидчилар у ёки бу сериял ҳақида ўз фикрларини айтмайдилар? Кинотанқидчилар, мутахассислар қачон бу тўғрида ўйлаб кўрадилар? Наҳотки телевидениеда кўрсатишга арзигулик ўзбекона фильмларимиз бўлмаса?

Биз бешарм, ёшларимизнинг тарбияси учун зарарли бўлган сериялларнинг келтирадиган маънавий зарарига тўхталдик ҳолос. Маънавий зарар билан бирга моддий зарар ҳам мавжуд. Узундан-узок, йиллаб чўзиладиган сериялларни ўзбек тилига ўғириш, режиссёр, овоз режиссёри, дубляж артистлари, муҳаррирлар учун кетадиган сарф-харажат тўғрисида оғиз очмадик. Лекин, имонимиз қомилки, ана шу сериялларни ўзбекча ўғириш учун кетадиган маблағларга ёшларимизнинг тарбияси учун фойдали бўлган бошқа маданий тадбирларни ўтказиш, лоақал бир серияли ўзбекона бадий фильм яратиш мумкин бўлармиди?

Ахборот технологияларининг ҳозирги жамиятда ўрни беқиёс ўсиб бораётганлигини ҳисобга олганда бўлсак, телевидение ва унинг дастурларининг ёшларимизни, умуман кишиларимизни тарбиялашдаги ўрни ва роли каттадир. Бас, шундай экан, кўрсатилаётган томошаларимиз инсонларни тўғри йўлга бошлашда, миллий истиклол мафкураси руҳида тарбиялаш, миллий урф-одат, анъаналаримизга қўқур ҳурмат билан қарашни шакллантиришда муҳим омил бўлмоғи лозим. Чунки, муҳтарам Юртбошимиз қўп марта таъкидлаганларидек, «...қаердаки мафкуравий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилиши тайин».

Сиз нима дейсиз, азиз газетхон?

Шавкат ЁКУБОВ,
Тошкент автомобил ва йўллар касб-хўнар коллежи «Маънавият ва маърифат» бўлимининг масъул ходими.

Ўтган асрни атом асри деб номлаган бўлсак, XXI асрни замонавий технологиялар асри дея таърифласак асло адашмаймиз. Зеро, ҳозир ҳаётимизнинг барча жабҳаларига замонавий технологияларнинг кириб келишининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Бу эса ўз навбатида ҳар бир соҳанинг ривожига кенг имкониятлар очмоқда, аҳолига катта қулайликлар яратмоқда. Ўртбошимиз таъбирлари билан айтганда, «XXI аср — шиддаткор тезликлар асри, ахборот ва ахборот технологиялари асри, интеллектуал ресурслар, юксак технология ва замонавий билимлар инсоният тараққиётининг асосий ва ҳал қилувчи омилига айланаётган давр».

Мақдони

ШАҲАР КУТУБХОНАЛАРИ ТИЗИМИДА ЯНГИ УСУЛ

Дарҳақиқат, бугунги кунда жамият тараққиёти замонавий ахборот воситаларидан фойдалана олиш даражасига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шунинг учун билан таъкидлаш жоизки, шаҳримиз кутубхоналарида айнан мана шу омилдан унумли фойдаланиш мақсадида кенг имкониятлар яратишга ҳаракат қилиб келинмоқда ва бу ўз мевасини бермоқда. Ҳозирда пойтахтдаги барча 106 та умумий кутубхоналар тармоғи марказлашган кутубхона тизимига бирлашган бўлиб, 214 мингдан ортиқ аҳолига хизмат кўрсатиб келинмоқда.

Жорий йилнинг бошида яна бир хайрли ишга қўл урилиб, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан келишилган ҳолда пойтахт Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси билан ягона тармоққа уланган шаҳарнинг барча марказлаштирилган кутубхоналар тизимини компьютерлаштириш режаси ишлаб чиқилган эди. Ушбу ишнинг амалга оширилишининг долзарблиги бугунги кунда жамиятимизнинг барча соҳаларини замонавийлаштириш ҳамда энг янги ахборот технологияларини жорий этиш тараққиётимизнинг муҳим омилларидан бири эканлиги билан белгиланади. Зеро, шиддат билан ривожланаётган ахборот асримизда кишиларнинг билим ва ахборот олиш доираларини кенгайтириш, зия масканлари бўлмиш кутубхоналарга китобхонларни, айниқса ёшларни кенгроқ жалб этиш учун уларнинг давр талабига жавоб берадиган замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозланган бўлишлари лозим эканлиги сир эмас. Шаҳар кутубхоналари тизимида юқоридаги лойиҳани компьютер техникаси билан жиҳозлаш, ходимларни ушбу техника билан ишлашга ўргатиш ҳамда халқаро ахборот тармоғидан фойдаланиш каби йўналишларни ўз ичига олган дастур асосида амалга ошириш режалаштирилди. Бугунги кунда Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси раҳбарлигида мазкур дастур бўйича кенг камровли ишлар олиб борилаётганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Кутубхонанинг замонавий моделини яратишда ахборот технологияларини ўқитишнинг ниятда долзарб масала эканлигини ҳисобга олган ҳолда Тошкент шаҳар ҳокимлиги хузуридаги Ўзбекистон — Корея ахборот технологиялари ўқув маркази (раҳбари Р.Иноғомов)нинг қимматли ёрдамини алоҳида айтиб ўтиш лозим. Ушбу марказда 15 нафар кутубхона ходимлари бепул таълим олдилар. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси профессори Туйғун Нишонбоевнинг оммавий кутубхоналарни ахборот-технологик жиҳатдан

жиҳозлашдаги хизматлари катта бўлди. Оммавий кутубхоналарнинг молиявий харажатларсиз Халқаро ахборот тармоғига уланишига ва электрон почтадан фойдаланишига ПРООН УЗБ/99/016 лойиҳаси раҳбари В.Навотний ҳам ўзининг катта хиссасини қўшди. Шу билан бирга кутубхоналарнинг моддий-техник базасини яхшилашга қаратилган хайрия концертида қатнашган ўзбек эстрадаси хонандалари Шахнозабону, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гийос Бойтоев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Илхом Фармонов, «Ниҳол» муқофоти совриндори Дилдора Ниёзова, Озодбек Назарбеков, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, сўз устаси Ҳожибой Тожибоев ва бошқаларнинг хизматларини алоҳида қайд этиб ўтиш керак.

Ушбу йўналишда олиб борилаёт-

тегишли бошқарма ходимлари, шаҳримиздаги маданият ва спорт ишлари бўлимлари мудирлари қатнашди.

Йўналишда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирининг ўринбосари Азамат Хайдаров, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Бахтиёр Тоҳировлар пойтахтдаги барча туманлар марказий кутубхоналарининг замонавий техника воситалари билан жиҳозланган ягона ахборот тизимига уланиши билан шаҳар кутубхоналари Халқаро ахборот узатиш тизими орқали бутун дунё бўйлаб адабиётлар топиш, маълумотлар олиш технологиясидан фойдаланиш имкониятига эга бўлганлигини таъкидлашиб, барча вилоятларда Тошкент услубини кенг қўламда татбиқ қилиш лозимлигини қайд этишди. Шунингдек, келгусида шаҳардаги барча кутубхоналарнинг ягона ахборот тизимига бирлаштирилиши бўйича иш олиб борилаётганини айтиб ўтилди.

Фарғона ва Қашқадарё вилоятидан келган соҳа вакиллари ҳам пойтахтда амалга оширилган ишларнинг самарасини қайд этишиб, ушбу тажрибаларни ўз вилоятларида татбиқ этишга ҳаракат қилажакларини билдиришди.


Йўналишлар шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармасидаги кутубхоналар тизими бўлимидаги ахборот технологиялари билан бевосита танишиб, янги тизимнинг қулайлик ва афзалликларини юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларни беришди.

— Келгусига мўлжалланган режаларимиздан шаҳар кутубхоналари фондларини акс эттирувчи ихтисослашган ахборот-компьютер тармоғи (электрон каталог)ни яратиш, шунингдек икки йил ичида шаҳримиздаги барча кутубхоналарни янги тизимга улаш ишлари ўрин олган, — дейди пойтахт Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари Баҳодир Аҳмедов. — Шу йил охиригача эса яна 25-30 та кутубхона янги ноанъанавий усулга жалб этишга ҳаракат қиламиз.

Дарҳақиқат, кутубхоналардан фойдаланишнинг ноанъанавий усули — кутубхоналарни компьютерлаштириш, замонавий ахборот технологиялари воситалари орқали Интернет тизимига уланишнинг фойдали жиҳатлари кўп. Бу усул орқали биринчи навбатда ўқитувчилар, талабалар, бир жойда муқим ўтириб ишлайдиган мутахассисларнинг керакли адабиётларни қисқа муддатларда топиб, фойдаланишлари учун қулай имкониятлар яратилади. Бир сўз билан айтганда, бу йўлдаги истиқболли режаларнинг амалга оширилиши жамият томонидан кутубхоналарга бўлган эҳтиёжнинг тўлақонли қондирилишини таъминлаш борасидаги ўзига хос омилдир.

ДИЛШОД ИСРОИЛОВ
СУРАТЛАРДА: такдимо маросимидан лавҳалар.

ҲАКИМЖОН СОЛИХОВ
олган суратлар.



Шарқ дурдоналари

ОЗОЗ ҲАҚИДА ДОМО БУЛГА...

Хикоят:

• Кўр киши қоронғу кечада қўлида чирок, елкасида қўвача билан йўлда кетмоқда эди. Эзма бир одам йўлда унга йўлиқиб деди:

— Эй нодон, сен учун кечакундузнинг фарқи йўқ, ёруғлик билан қоронғулик баббараварку, чироқнинг нима фойдаси бор?

Кўр киши қулиб айтди:

— Бу чирок ўзим учун эмас, сенга ўхшаган кўнгли кўзи кўр беҳабарлар учундир, токи менга урилиб, қўвачамни синдириб қўймайсан.

Байт:

Гарддай оғуси

**бор сўзни демагил,
Ҳазил бўлганда
ҳам оғинади дил.**

Луқмони Ҳакимдан: "Одобни кимдан ўргандинг?" деб сўрадилар. Луқмони Ҳаким жавоб берди. "Одобни беодоблардан ўргандим, уларнинг ҳаракатларидаги менга мақбул бўлмаган нарсалардан ўзимни сақладим!"

Бирор эсли

**кишига ҳатто ҳазил
сўз айтсанг,
У шундан ҳам ўзига
чикаради хулоса.**

**Аммо аҳмоқ кишига
юзлаб ҳикмат
ўргатсанг,**

**Барчаси унинг учун
туюлар ҳазил нарсаси.**

• Қабих одамга саховат ҳам, донишлик ҳам қабихлик бўлиб қўринади. Ифлосга — ифлослик ёқади.

• Ёмон одам мисоли қўмир: мабодо куйдирмаса ҳам сени қора қилади.

Ёвуз одамлар киши танасида юриб, фақат яра бор жойда тўхтайдиган пашшага ўхшайдилар.

• Раҳмсиз кишилар бировга озор беришдан хузурланадилар.

• Муттаҳам доим серзарда, жасур эса мурувватлидир.

• Ёвузлик ҳаммаша шафқатсизлик ва заифликдан келиб чиқади.

Хикоят:

Найзаси заҳар билан булганган чаён сафарга чиқди. Кета туриб сув лабига етди. На олдида юрولмай, на ордага қайтолмай туриб қолди. Чаённинг бу аҳолини тошбақа қўриб, унга раҳм қилди. Уни ўз устига миндириб сувга тушди. Бир томонга қараб сузиб кетди. Шу пайтда тошбақа косасига чаённинг найза санчишидан қўнғир овозни эшитди: "Бу қанақа овоз?" — деб сўради тошбақа.

Чаён жавоб берди: "Бу сенинг орқанга санчаётган найзаминг овози, найзам орқанга ўтмаслигини билиб турсам ҳам, аммо одатимни ташлаб олмайман". Бу тўғрида шундай деганлар.

Чаённинг қақши

**беҳосдан эмас,
Бу унинг хулқидир
қақмай туролмас.**

Тошбақа ўз-ўзига: "Шундан яхшиси йўқки, бу ярамасни ёмон феълдан қайтарай ва яхшиларни унинг зиёндан қутқарай" дедида сувга шўнғиди. Чаённи тўлқин ҳалок қилди.

Инсон умрини гул баргида пайдо бўлган эрталабки шабнамга ўхшатишди. Биргина қаттикроқ шамол эсса, баргдаги шабнам дув тўкиладию, тупроқ узра сингиб кетади. Бу ҳолатдан уни қуёш муҳофаза қилади. Офтобнинг чарақлаган нуридан баҳраманд шабнам тезда само узра порлаб кетади. Эртасига тонг насими ила яна қайта гул шохига қўнади. Ҳар гал шу ҳол такрорланаверади, такрорланаверади. Инсон умри ҳам шундай. Гул баргига қўнган шабнам мисоли. Лекин ҳаётда яна бир инкор этиб бўлмайдики ҳаётда қанча бор. Инсон умри қанча яшагани билан эмас, балки у ҳаётда қолдирган нури излар билан ўлчанади. Бунисига ҳам тан бермай иложимиз йўқ. Шунинг учун ҳамиша тасодифлардан, бемаврид, дафъатан кўтарилган кучли довуллардан ўзи асрасин деймиз. Бошимизда ҳамиша қуёш чарақлаб турсин. Умримизга завол етмасин, дея ният қиламиз.

Агар шу ҳаётий гаплардан келиб чиқадиган бўлсак, қисқа ва мазмунли умр кўриб, «Оқшом» саҳифаларида нурли излар қолдириб кетган сафдошларимизни яна бир бор эслатимиз келди. Сарғайган саҳифаларда қолдирган мақолалари, лавҳа, очерклар, ҳикояю ҳажвия ва шеърларини ўқий туриб, уларнинг маҳоратларига тан берамиз. Шунда қўнғилимиздан шу дўстларимиз ҳаётигида уларнинг қадрига тўлатқис ета олдимики, деган армонли гап ҳам ўтади.

Барибир ҳаёт ўз ўрнида давом этаверади. Ўтган сафдошларимиз ўрнини йиллар қадар сағинишга келиб қўшилган ёшлар тўлириб борди. Ҳар йилимизнинг ўзига хос, бир-биридан фарқлиғи ҳам ана шунда.

1991 йил барчамиз, умуман халқимиз учун қутлуг келди. Худди шу йилнинг 1 сентябрыда Ўзбекистонимиз Мустақил Республика сифатида қарор топди. Ўзбек халқи қарамликдан қутулиб, ўз эркини, озодлигини қўлга киритди. Бу кун тарихимизга зарҳал ҳарфлар билан битилди. Бу кун минг-минг йиллик тарихимизда алоҳида ўрин тутадиган муътабар мазмун, чинакам буюк аҳамиятга эга бўлмиш байрамимиз нишонландиган кунга айланди. Бу байрам аждошларимиз бўлмиш улуг алломалар — имом Бухорий, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Амир Темур, Алишер Навоий каби даҳо бобокалонларимиз руҳи қўллаб-қувватлагани, бизларга бахш этилган олижаноб туйгулар — руҳ озодлиги, қайб поклиги, иймон, ирода, мардлик, ватанпарварлик, миллату Ватан учун фидоийлик ва бошқа асл фазилатлар наслимизга қон-қонимизга сингиб кетганини исботлайдиган кун бўлди.

74 йил турли байрамлар нишонланиб келган шахримизнинг Бош майдонининг ўзининг Мустақиллик деган чинакам номига эга бўлиб, халқимиз илк бора ўз байрамини нишонлайдиган бўлди. Дунё яралиб, фасллар алмаша бошлаганидан бери куз ҳам, илк бор ўзининг олтин деган сифатига рости билан эга бўлди. Ушбу олтин кузда юртимизнинг гулгун баҳори юз очди, жилва қилди. Шу кун неча йиллардан бери одамлар бўғизда тикилиб турган, лекин юраклар тубида тугилган муқаддас «Яшасин, мустақил Ўзбекистон» сўзлари илк бора ҳавони зириллатди. Шу кун тиллоландагилар сувар тиниклашди, сумбула ўзининг ойнадек чехрасини намоян қилди. Шу кун қўшлар чугури тинмади, япроқлар шивир, фавворалар шовуллади, елларнинг ширин куйлари ҳар бир юракка ажиб бир тароват бағишлади. Ўша тонг ҳам ўзгача отади, кун бўйи шахримиз узра қувонч барқ урди. Олам шодлиғи Бош майдонимиз — Мустақиллик майдонига ёғилди. Бу куннинг таърифи тил ожиз.

Биз «Оқшом»чилар учун эса 1991 йил

қўш тантана бўлди. «Оқшом» газеталари тузилган куннинг 25 йиллиғи нишонланди. Шу муносабат билан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши (ҳозир Тошкент шаҳар ҳокимияти) йўллаган табрикда шундай сўзларни ўқиб мумкин эди.

«Бугун «Оқшом» газеталари ўз муштариёлари билан 7513-март юз кўришмоқда. Бундан 25 йил муқаллам Тошкент шаҳар «Оқшом» газеталарининг биринчи сони босмадан чиққан эди. Шу нарсани комил ишонч билан айтиш керакки, чорак аср мобайнида ҳар иккала газета ўн минглаб тошкентликларнинг, ўзларининг сеvimли рўзномалари билан

зукколарни, меҳнати зафарли йилларни кўрмади дейсиз. Буларнинг ҳаммасида «Оқшом» рўзномалари ҳамшаҳарларимизнинг энг яқин дўсти, ҳамдами, ҳамдарди ва жон-жафокаши бўлиб хизмат қилди. Шаҳримиз тарихини, шу кунги нафасини, меҳнаткаш халқнинг турмуш тарзини «Оқшом» баҳоли қудрат ўз саҳифаларида мунтазам ёрқин ёритиб келди. Агар 25 йилда олам юзини кўрган «Оқшом» газеталари рисола тарзида нашр қилинса, юзлаб жилд жонли тарих китобига айланади, ҳар бир жилд эса Қобуснома каби Тошкентимиз тарихи ва ҳозирги ҳаётидан туганмас мазмун ва маълумотлар беради.

Ўша йиллар айниқса бозор иқтисодиёти масаласи долзарб муаммага айлانган эди. Шунинг учун шу руқн остида тез-тез чиқишлар қилиб турардик. Мақолаларимизда ушбу мавзунинг ҳар томонлама мазмун-моҳияти билан тўла ёритиб беришга ҳаракат қилардик. Ўшанда изчил излашларимиз самараси сифатида «Харидоргир бўлса ҳам пештахтада турсин», «Талабаларнинг талаби ҳақми?», «Интизом — бош мезон», «Буйруқбозлик қилиб мақсадга эришиб бўлмайди», «Биринчи қаламлар қўйилди», «Ҳар тўқисда бир айб» каби мақолалар газета юзини кўрганди. Айниқса, улар орасида «Рўзгоримиз бут; ҳалол бўлсин» мақоласи ажралиб турарди.

Шу йиллар алабист ва санъат мавзусида ҳам қатор мақолалар эълон қилинди, уларнинг ҳам давр руҳи билан ҳамоҳанглиги муштариёлардан ушбу мавзудаги чиқишларимизга келган хат-хабарлар руҳидан ҳам сезилиб турарди. Айниқса, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг 50 ёшга тўлиши муносабати билан тайёрланган «Қўлда торим сен учундир, дилда борим сен учун» деб номланган саҳифа ҳамшаҳарларимиз тилига тушди. Шоир Муҳаммад Юсуфнинг «Асра энди Абдуллангин» деган машҳур шеъри ҳам дастлаб ана шу саҳифадан ўрин олганлиги. Ушбу шеър Ўзбекистон Мустақиллигига ҳамоҳанг бўлган учун ундан баъзи бир сатрларни келтиришни жоиз деб топдик:

Биз барҳаёт сиймо
деган ўша ўлмас,
Алишернинг авлодлари
алла билмас,
Учди чамбил қўлларида
сўнги ўрдак
Алпомишлар ётган
бешиқ энди эрта.
Отдан тушмай, ўққа учмай,
ўлди Темур,
Олтинминор Регистонлар
бўлди кўмир.
Ўз боласи Удубекка
қилмич солди,
Шоҳ боласи бўлиб
бир қўк юлдуз қолди...
Ўтганларни ўйлаб дарди
дилда пинҳон,
Ойбек ўтди, Фафур Фулом,
Шукур Бурҳон...
Бу дунёда ҳар кимса
ўз ризқин терсин,
Халқим, сенга инсоф берсин,
инсоф берсин.
Қўй, йилгатамай айтиб
эски ашулангин,
Ҳеч бўлмаса,
асра энди Абдуллангин.

Биз бу ўринда 1991 йил учун хос бўлган унутилмас кунлар, халқимизнинг асрий орзулари, ҳамда давр руҳидан келиб чиқувчи мақолалар ҳақида сўз юритдик. Ваҳоланки «Оқшом»нинг ушбу йилномасида ҳам таърихга молик бўлган бошқа мавзулар ҳам кўп эди. Афсуски, йиллар учун ажратилган кичик бир чиқишимизда улар хусусида батафсил сўз юритишнинг имкони йўқ, албатта.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ

Саҳна

ОЛИМ ҲАҚИДА ФИЛЬМ

Республика Киночилар уйида Ўзбекистон телерадиокорпорациясининг «Ўзбек-телефильм» студияси томонидан ишланган «Академик Эдвард Ртвеладзе» ҳужжатли фильмининг премьераси бўлиб ўтди.

Мустақиллик йилларида ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихини холисона ўрганишнинг илмий асосларини шакллантириш, тадқиқотларни замонавий талаблар даражасига кўтариш, Ўзбекистон тарихи бўйича салоҳиятли, етук тарихчи кадрлар мактабини яратиш давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида. Э.Ртвеладзе ана шундай хайрли ишга ўзининг муносиб хиссасини қўшиб келаятган тарихчи олимларимиздан. Фильмда олимнинг қатор илмий экспедициялари, тадқиқотлари, хусусан, Кампиртепада олиб борган изланишлари ҳақида атрофлича ҳикоя қилинади.

Э.Ртвеладзеннинг «Амир Темур — жаҳон тарихида», «Хива — минг гўмбазли шаҳар», «Асрлар қаъридан таралган зий», «Жалалиддин Мангуберди», «Термиз — буюк йўллар чорраҳасидаги кўҳна ва навқирон шаҳар» каби китоблари, рисодалари нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам маълумдир. Олимнинг изланишлари давлатимиз томонидан муносиб қадрланди. У Президентимиз Ислам Каримов Фармонига кўра «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланган.

Раъно Солихова сценарийси асосида режиссёр Саидбегитр Аҳмаджўаев суратла олган мазкур фильм томошабинларга манзур бўлишига ишонамиз.

Маълум

МАКТАБ

ЯРМАРКАЛАРИ

2005-2006 ўқув йилида мактаб ўқувчилари, олий ва ўрта махсус ўқув юртли талабаларини барча зарур ўқув қуролилари ва кийим-кечаклар билан таъминлашни яхшилаш мақсадида жойларда анъанавий мактаб бозорлари ва ярмаркалари ташкил этилмоқда.

Улар «Ўзбекбирлашу»», «Коракалоктутинув» ҳамда вилоятлардаги «Матбуотсавдо» акциядорлик компаниялари ҳамкорлигида 10 сентябрга қадар давом этади.

— Жойлардаги ўқувчи ва талабалар сони, уларга керакли ўқув қурол, кийим-бош ҳамда пойфазаларга бўлган талаб ва эҳтиёж ўрганилди, — дейди «Ўзбекбирлашу» акциядорлик компанияси бошқарма бошлиғи Ҳоликжон Қамбаров. — Тизимимизда фаолият олиб бораётган савдо тармоқлари ва оморхоналарда 19 турдаги арзон ва сифатли маҳсулотлар захираси жамланган. Айтиш жоизки, уларнинг асосий қисми мамлакатимизда ишлаб чиқарилган.

Маълумотларга кўра, аҳоли гавжум жойларда 450 та мактаб бозори ва ярмаркалари, 500 дан ортиқ дўкonda ана шундай бўлимлар фаолият бошламоқда. Бундан ташқари, олис ва чекка аҳоли яшаш жойларида автодўконлар ёрдамида савдо-сотиқ уюштириш ҳам режалаштирилган.

ЎЗА

